



ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ОИЛА ХАМКОРЛИГИ (ҚИЗЛАР МИСОЛИДА)

¹Икромов Хабибулло Боқиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Наманган академик лицей курс
рахбари (истефодаги подполковник),

²Чубоева Гулнорахон Кувончбековна

Наманган вилоят Янгиқўрғон туман ИИБ ЖХХ ХПБ Хотин-қизлар
масалалари бўйича катта инспектор. Подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7514695>

ARTICLE INFO

Received: 27th December 2022

Accepted: 07th January 2023

Online: 08th January 2023

KEY WORDS

Ўзбекистон, Президент,
парламент, халқ,
муружаатнома, таълим,
сифат, тараққиёт, тўғри
йўл, мактаб, телефон,
ўқувчи, эътибор, тарбия.

ABSTRACT

Мақолада Президентимиз томонидан ёшларни тарбиялашда олдимизга қўйилган масалаларни ҳал этишда нималарга эътибор қилишимиз лозимлиги, оилада ва таълим даргоҳида ёшлар тарбиясида ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари тўғрисида фикрлар ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентимиз ва халқимизга 2022 йил 20 декабрдаги Муружаатномасида: “Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир.

Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек:

«Заковат бор жойда улуғлик бўлади,

Билим бор жойда буюклик бўлади».

Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак¹”-дея олдимизга дастуруламал белгилаб берди.

Аввало тарбияни ота-она ва ўқитувчи ўзидан бошлаши керак. Чунки жамиятда бизнинг юриш туришимиз, билимимиз ва ўзимизни тутишимизга қараб болалар тарбия олади ҳамда шунга қараб бизга нисбатан муомалада бўлади.

Биз замон ўзгариб кетди деб нолимиз, йўқ замон ўз жойида турибди. Замонга нисбатан бизнинг муносабатимиз, юриш-туришимиз, ўзимизни тутишимиз ўзгарди. Кўпчиликни дунёқараши ўзгарди, барчамиз фақат тирикчилик пайида бўлиб қолдик, кимгадир қараб яшашни ёки кимдандир қолмасликка ҳаракат қилиб яшашга ўргандик бу бизнинг қонимизга сингди.

Ким билан гапиришсангиз хасрат қилади, тўйларимизни кўрсангиз дастурхонларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Бозорларимизда ҳоҳлаган нарсамизни топамиз. Кўчаларда

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Муружаатномаси.
<https://president.uz>



(тунда ҳам) хотиржам юрамиз тинчимизни ҳеч ким бузмайди. Ҳеч ким шукр қилмайди. На Худодан (шариат ҳукмларидан), на қонунларидан қўрқмай қўйдик.

Барчамиз ташқи қиёфамизни яхши кўрсатишга ўрганиб қолдик, ички дунёимиз билан ишимиз бўлмай қолди, бошқани айбини кўрамиз-у ўзимизникини кўрмаймиз. Барча одамларнинг ташқи қиёфасига қараб баҳо берадиган бўлдик. Дунё қарашимиз ўзгарди, эътиборсизлик кучайди. Дарсларга тайёргарликсиз келадиган бўлдик ва шунга ўрганиб қолдик. Болаларни билими бизникидан юқори бўлиб, баъзан нимани сўрашни ҳам билмай қолдик. Эътиборсизлигимиз оқибатида болаларимиз назоратсиз қолиб, хоҳлаган жойларига бориб хоҳлаган ишлари билан шуғулланиб юришибди. Аввалги даврларда ўқитувчиларни кўрилганда бир чақирим наридан юрилган, хозирчи...

Амир Темур икки саркардасини (1000 отлиққа раҳбар) чақиртириб уларни лавозимдан четлаштирган. Биринчи саркарда - ёши катта одамлар турган жойда отдан тушмай салом бериб ўтганлиги ва қабристон ёнидан ўтаётган вақтида отдан тушмагани учун, иккинчи саркарда эса – қўл остидаги аскарлардан билими пастлиги учун) [1].

Болалар бизнинг келажакимиз. Бизнинг эртанги кунимизни шу ёшларимиз белгилайди. Шундай экан бугунги кунда ёшларимизни тарбиялашда нималарга эътибор қаратишимиз лозим.

Болаларимизни телефондан фойдаланиши.

Телефондан яхши ва ёмон мақсадларда фойдаланиш мумкин. Мисол тариқасида кўрсатмоқчи бўлган ҳолатлар мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларига таълуқлидир.

Биз барча нарсаларни оддий ҳолат сифатида қабул қиладиган бўлиб қолдик, бу ҳозирда барча ўрганиб қолган, кўриб юрган ва эътибор қаратмайдиган оддий ҳолатга ўхшаб қолди. Бу ҳолат нималарга олиб келишлигини ўрганайлик:

Биринчидан - ўқувчи болага телефон нимага керак;

Иккинчидан- мактабга телефон кўтариб келган ўқувчи ёнидагиларни эътиборини тортади, кимнидир хавасини келтирса, кимнидир хасадини келтиради;

Учинчидан - бошқа болалар бу ҳолатни кўриб, фалончи-фалончиларга ота-оналари фалон русумдаги телефон олиб берганлар бизнинг шароитимиз уларникидан ёмон эмаску деб, оилада жанжал бошланади (албатта она фарзанд томонида бўлади);

Тўртинчидан- имконияти йўқлар қандай йўллар билан бўлсада, телефон олишга ҳаракат қилади, фикри-хаёли фақат шунда бўлади, алал оқибат ўғирлик ёки талончилик қилади. Айниқса, қизлар телефон олиш учун ёки телефонга эга бўлиш учун балки ёмон йўлга кириши мумкин;

Бешинчидан- дарс вақтида телефонда ўйин ўйнаб ўтиради, ўқитувчининг гапи қулоғига кирмайди, ёнидаги ўқувчиларнинг ҳам фикрини бўлади ва уларнинг эътиборини ўзига қаратади, қизларимиз хуфиёна кимлардир билан суҳбатлашади, балки телефон олиб берган шахс билан;

Олтинчидан- болаларимиз телефонда парнографик филмлар ва расмларни тамоша қилиб, эрта кунда уйғониб, бузилиб кетмоқда (қизлар вояга етмай хомиладор бўлиб қоляпди, бунга етарли маълумотлар бор, ижтимоий тармоқларда);

Еттинчидан- ўғил болалар ва қизлар бир-бирларига айтолмаган гапларини телеграмм каналлари ёки СМС орқали айтмоқдалар;



Саккизинчидан- қизлар пайнет шахобчасида ишлайдиган болалар олдига бориб, уялмасдан “янгисидан” йўқми телефонимизга ўтказиб беринг деб мурожаат қилишмоқда.

Хизмат вақтида дуч келган айрим болалар тарбиясига оид бир неча мисоллар келтирамиз:

-Бир дўкон олдида турган эдик, бирданига бақир-чақир бўлиб қолди, бақир-чақир қилаётганларга секинроқ гапиришни имкони йўқми десак, улар бунга эътибор қаратмадилар бақир-чақир давом этди. Ўрганганимизда шу бақир-чақир қилаётган ўқувчи болалар орасида ўқитувчи аёлнинг ўзи бақираётган экан; Буни қандай тарбиячи деса бўлади?

-олдимизга янги ишга кирган ўқитувчи аёл келиб, 9-синфнинг икки нафар ўқувчилари дарс вақтида сигарета чекиб, синфдошлари орасида ўзини кўрсатиб, ўқитувчини мазах қилаётганлиги, гапига қулоқ солмаётганлиги ва дарс ўтишда қийналаётганлигини айтиб мурожаат қилди.

(Ўқитувчининг соддалигидан фойдаланиб, синфдошларига ўзини кўрсатаётган бу болалар нима қилаётганликларини тушиниб ҳам етмайдилар. Агар бу ўқувчиларни ИИБ хисобга олса, болаларнинг кейинги тақдири нима бўлади, фарзандидан умид қилиб турган ота-оначи);

Мактаб ўқувчиларини кузатганимизда, ўқувчилар тратуардан юрмасдан ўз хаётларини ҳавфга қўйиб, йўлнинг ўртасидан юришибди, таннафус вақтида болалар мактабдан ташқарига чиқиб кетмоқда, семичка чақиб, музқаймоқ еб қоғозларини ҳоҳлаган жойларига ташлаб кетмоқдалар, ўқувчилар кўчаларда ўзлари тушинмайдиган сўзлар билан сўкиниб юришибди; Нима буларни ўқитувчиларимиз кўрмайпдими, маҳаллачи, жамоатчиликчи?

Савол туғилади:

-бу ҳолатларни нима деб баҳоласа бўлади, бу битта мактабда бўлаётган ҳолатлар, бошқаларидачи....;

-агар мактаб раҳбарияти, ўқитувчилар юқоридаги ҳолатларга эътиборли бўлиб, коллектив жипс бўлганида ўқитувчи ички ишлар бўлими ходимига мурожаат қилмаган бўлармиди;

-бу ўқувчилар бошқа ўқитувчиларга ҳам шундай муносабатдами;

-синф раҳбари ота-онаси нега бефарқ, бизнинг келажагимиз шу болаларми;

-авваллари директор хонасига бирор ўқувчини чақирганида, барчани эътибори шу ҳолатга қаратиларди. Агар профилактика инспектори билан боғлиқ ҳолат бўлса, бу ўқувчидан барча нафратланарди ва ҳамма оилаларда шуни муҳокамаси бўларди. Ота-оналар фарзандларини ўша ўқувчидан узоқроқ юришлари учун барча чораларни кўришарди, хозирчи...;

-барчамизни олдимизга битта масала қўйилган, у ҳам бўлса келажак авлоднинг тарбияси;

-Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 128-моддаси бўйича қилмишлар содир этиш статистикаси нега кўтариляпти?

Юқоридагилардан хулоса қилиб қуйидаги таклифларни киритамиз:



-агар бирор одам чиройли кийиниб салом бермай ўтса, минг чиройли бўлса ҳам совуқ кўринади. Агар бирор киши ёмон кийими билан ўтаётганида салом бериб ўтса чиройли кўринади. (Бу билан ўқувчиларга саломни бериш тартибини шариатга мувофиқ ўргатиш лозим);

-авваллари ҳар бир болага бутун маҳалла ота-оналик қиларди, болалар тарбиясига ҳеч ким бефарқ бўлмас эди. Бу ўзининг самарасини берган. (Шу тизимни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш керак);

-маданиятли ҳалқ китобга пул аямайди. Қайси ўқув юрти бўлишидан қатъий назар ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларни китоб ўқишга қизиқтириш керак. (Кутубхонага ким қачон кирганлиги қанақа китоб олиб ўқиганлиги, қанақа китобларни сотиб олганлигини доимий сўраб туриш керак);

-ўқув юртларида (мактаб, коллеж ва лицей) ўқувчиларни интернетдан фойдаланишлари учун камида иккита синф хонасини компьютер билан жихозлаб, ўқувчиларга шароитлар яратиш керак, шунда телефондан фойдаланишларига хожат ҳам қолмайди назорат ҳам;

-ўқувчиларни телефон аппаратини кўтариб мактаб, лицей ва коллежларга боришларини ҳамда телефондан фойдаланишларини қатъиян тақиқлаш керак. (Зарур ҳолларда ота-онаси назоратида фойдаланишлари учун рухсат берса бўлади);

-мактаб, лицей ва коллежларда ўқувчилар орасида ўзларининг ҳатти-харакатлари билан бошқа ўқувчиларнинг хулқида салбий таъсир кўрсатадиган, мухитни бузадиган ўқувчиларга нисбатан бутун педагогик жамоани, маҳалла оқсоқолларини эътиборини қаратиш лозим, уларнинг тарбиясига бефарқ бўлмаслик керак (чунки подада битта тиррақи бузоқ ҳаммасини бузади);

-бирор ўқитувчининг шаъни, обрў эътиборини (ўқувчилар ёки айрим ота-оналар томонидан) тўкилишига йўл қўймаслик керак. Сеники, меники бўлмаслиги, жамоа жипслашиши керак;

-пайғамбаримиз Мухаммад алайхиссалом айтадиларки, бир одамга бир мартада, баъзисига эса минг мартада таъсир қилиш мумкин, шунинг учун болаларни тарбиялашда шошмаслик керак; [2].

- пайғамбаримиз Мухаммад алайхиссалом олдиларида саҳобалар бирор кимни мақтасалар, улар ақли қанақа деб сўрар эканлар. Шунингдек катталарни ҳурмат қилмаган, кичикларни иззат қилмаган биздан эмас деганлар. [2].

Мамлакатимиз тарихига назар ташлаганимизда, ватандошимиз буюк фақиҳ, шорех, муҳаддис ва усулий олим имом Алоуддин Абу Бакр Косонийдек мударрис олимдан толибу илмлар дарс олиш учун, у кишини касал бўлиб қолганида гиламда кўтариб, дарсхонага олиб келишганлигини, агар у киши келолмаса, у кишини ўриндиқларига ҳам ҳурмат кўрсатишганини ўргандик. Илмга интилган ёшлар таълим берувчига кучли ҳурмат билан муомала қилишлари керак.

Биз ишонамиз, келажак ёшлари илм олиш, тарбияли бўлиш учун ҳаракат қилишади.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz>



2. “Темур тузуклари” китоби – Kitobxon.com.
3. Hadislar (Al-jome as-sahih- Sahihul Buhoriy).
4. Chuboyeva Ozodaxon. The importance of “Kazilik adabi” in Abu Bakr Kasani’s work “ Badoi-us-sanoe” International Scientific Journal ISJ Theoretical& Applied Science Philodelphia, USA issue 01, volume 81 published January 30, 2020
5. Chuboyeva Ozodaxon . Абу Бакр Косоний и его трудов в педогогике. Научный журнал. Учёный XXI ВЕКА.2020 год ISSN 2410-3586 .85-89 .